

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## УСТУВОРЛИКЛАР

### Барча хизматлар учун ягона бўлган ЭРИ ишлаб чиқилади

Мамлакатимиз Президенти 9 январь куни давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Маълумки, ҳозирда мамлакатимиз бўйлаб Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги тасарруфидаги Давлат хизматлари марказлари фаолият юритиб келмоқда. Оддий одамлар учун қулай, кўркам бўлган 80 дан орტიқ инновацион бинолар жисмоний ва юридик шахсларга хизмат қилиб келаётган бўлса, бугунги кунда яна 94 та шундай иншоотларни қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, олис жойларга чиқиш орқали («мобил давлат хизматлари») қулай ва шаффоф тарзда сайёр хизматлар ҳам кўрсатиляпти.

Бугунги кунга келиб, Давлат хизматлари марказлари орқали «ягона дарча» тамойили асосида 130 турдан зиёд хизматлар тақдим этилмоқда. 2017 йилда аҳолига кўрсатилган хизматлар сони 12 мингтани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 13 млн дан ошган.

Энг кўп мурожаат қилинадиган 36 турдаги хизматлар бўйича ҳужжатлар сони 112 тадан 52 тага камайтирилди, хизмат кўрсатиш муддати 280 кундан 126 кунга қисқартирилди.

Ҳозирги кунда давлат хизмати кўрсатувчи 80 та идорадан атиги 27 таси Давлат хизматлари агентлиги билан ўзаро интеграция қилинган. 53 идорада маълумотлар рақамлаштирилмаган. Мисол учун, соғлиқни сақлаш, экология, қурилиш, архив билан боғлиқ давлат хизматлари соҳасида ҳалигача электрон маълумот базаси шаклланмаган. Шундай маълумот алмашинуви йўқлиги сабабли 2019 йилда қурилиш, табиий газ, иссиқ сув ва ичимлик суви таъминоти борасида хизмат кўрсатиш муддатлари бузилган.

Электрон давлат хизматларидан фойдаланувчилар сони йил якунигача камида 5 бараварга ошириш, 2025 йилгача тўлиқ электрон хизмат кўрсатишга ўтиш мақсад қилиб қўйилди.

Аҳолининг 75 фоизи интернетга мобил қурилмалар орқали кираётганини инобатга олиб, Ягона интерактив давлат хизматлари порталнинг мобил версиясини ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди. Узоқ ҳудудларда яшайдиган аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида давлат хизматлари марказининг 50 дан ортиқ филиалини ташкил этишни жаддаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз кўплаб хизматлар учун электрон рақамли имзо (ЭРИ) талаб қилиниши одамларга қийинчилик туғдираётгани, айниқса, бу тадбиркорларнинг энг оғриқли нуқтаси эканини таъкидлади.



ЭРИдан компьютер орқалигина фойдаланиш мумкин. Тадбиркор рўйхатдан ўтиш учун солиқ идораси калити, божхона ҳужжатлари учун божхона калити ва ҳисобрақами билан ишлаш учун банкнинг ЭРИни олиши шарт. Бу калитларни олиш учун ҳар бир идорага алоҳида-алоҳида бориб, уни харид қилиши, тагин муайян муддатда яна маблағ сарфлаб янгиллаши керак.

Президентимиз томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ЭРИ талаб этиладиган хизмат турлари учун шахсни тасдиқлашнинг муқобил, хавфсиз ва содда усулларини жорий қилиш вазифаси қўйилди. Шу йил 1 июлгача ҳамма хизматлар учун ягона бўлган ЭРИ ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

president.uz сайти материали асосида.

## 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

### Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати

Мамлакатимизда Ўзбекистон Қуроли Кучлари ташкил топганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ватанпарварлик ойлиги» қизғин давом этмоқда.



Ойлик доирасида Самарқанд шаҳридаги Марказий ҳарбий округда ҳарбий қисм, вилоят божхона бошқармаси ва вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» мавзусида тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Келажак авлодни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларда ҳарбийликка қизиқиш уйғотиш мақсадида ташкил этилган тадбирда «Қалқон жасорат» мактаби ўқувчилари ва коллеж талабалари ҳамда Божхона институти курсантлари иштирок этди. Унда ёшлар учун ҳарбий техника ва қурооллар кўргазмаси билан бирга, божхона тизимида хизмат итларининг фаолияти бўйича тушунчалар берилиб, амалиётда хизмат итларини гиёҳвандлик воситалари, қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи моддалар, валюта қимматликларини қидириб топиш қобилиятлари намоён этилди. Соҳага қизиқиш билдирган ўқувчилар божхоначилар билан суҳбатлашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Вилоят божхоначилари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда шаҳардаги 77-сон МТМ масканига ташриф буюришганда болажонлар ҳарбий мавзудаги шеър ва кўшиқлар айтиб, барчани байрам билан табриклашди ва энг муҳими – хизмат итлари билан селфига тушиш имкониятига эга бўлишди.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

### Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



### Онлайн-НКМ ва ЭҲФ мавжуд эмаслиги учун жарима солинмайди

Президентнинг 30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Хусусан, қабул қилинган қарорнинг 9-бандига кўра 2020 йил 1 апрелгача электрон ҳисобварақ-фактуралар алмашиш тизимини тўлақонли жорий қилиш чораларини кўриш белгиланди. Бунинг учун Давлат солиқ кўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда электрон ҳисобварақ-фактура (ЭҲФ) тизими операторлари сони кўпайтириш чораларини кўриши лозим. Техник хизмат кўрсатиш марказлари, онлайн-НКМ моделларининг давлат реестрларини тузиш (1.10.2019

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Янги расмий ҳужжатлар

7-БЕТ

Йўл ҳўжалигидаги янгиланишлар

8-БЕТ

Объектларни ёнгин-профилактика кўригидан ўтказишдаги ўзгаришлар



## Онлайн-НКМ ва ЭХФ мавжуд эмаслиги учун жарима солинмайди

1-бетда

Йилгача – 6.09.2019 йилдаги ПФ-5813-сон Фармоннинг 10-банди) ва электрон ҳисобварақ-фактуралар тизимини тўлақонли ишга тушириш учун масъул органлар буни белгиланган муддатларда (1.01.2020 йилгача – ВМнинг 25.06.2019 йилдаги 522-сон қарорига 2-илова) амалга оширишга улгурмадилар.

Графикка мувофиқ онлайн-назорат-касса машиналаридан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш (ПФ-5813-сон билан Фармон билан тасдиқланган) нақд пул тушумига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини биринчидан бўлиб, яъни 2020 йил 1 январдан бошлаб алкоғоль ва тамаки маҳсулотлари, дори-дармонлар, автомобиллар учун бензин, дизель ёқилгиси ва табиий газ реализация қилиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилади.

Бундан ташқари, 2020 йил 1 январдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар товарларни (хизматларни) реализация қилишда электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактурани ёзиб берадилар ва қабул қиладилар. Бунда солиқ тўловчилар ўз хоҳишларига кўра ЭХФ обороти тизими операторини танлашга ҳақли бўладилар.

Хужжатда Давлат солиқ қўмитасига электрон ҳисобварақ-фактуралар юритишга ўтган солиқ тўловчилар учун солиқ ҳисоботларини топшириш тартибини

соддалаштириш, шунингдек, электрон ҳисобварақ-фактуралар ва онлайн назорат-касса машиналар юритишдан бош тортганлик учун жавобгарлик чораларини жорий этиш бўйича таклифларни 2020 йил 1 июлгача Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилган.

Бинобарин, кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар учун санкциялар жорий йилнинг 1 июлига қадар қўлланилмайди.

Бу ДСҚ ва МВнинг қўшма хатида (МВ ва ДСҚнинг 30.12.2019 йилдаги 06/04-01-32/3953 ва 12-37999-сон) тасдиқланган:

«8. <...> Кўп сонли солиқ тўловчиларни электрон ҳисоб операторларига улаш зарурати туфайли, 2020 йил 1 июлга қадар солиқ органлари белгиланган тартибни бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўлламайдилар.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришнинг, шу жумладан уларни қоғозда расмийлаштириш мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, янги тартиби етказилади. Ҳисобварақ-фактураларни тақдим этиш тартиби ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилганига қадар солиқ тўловчилар 2019 йилда амалда бўлган тартибни қўллашлари керак.



Шунга ўхшаш тартиб онлайн назорат-касса машиналаридан ва виртуал кассаларидан фойдаланишда ҳам қўлланилади».

ДСҚнинг хабар беришича, жорий йилнинг январда алоҳида операторлар ўз хизматларини бепул тақдим этадилар.

**Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 1.01.2020 йилдан кучга кирди.**

## Назорат тадбирлари видеотасвирга олиш тартиби белгиланди

ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 30.12.2019 йилда 3207-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар фаолиятида амалга ошириладиган солиқ назорати тадбирини видеотасвирга олиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Солиқ органи томонидан куйидаги назорат тадбирларининг видеотасвирга олинишига йўл қўйилади:

- солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишда;
- хронометраж кўздан кечиришда;
- хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторингда;
- солиқ текширувларида;
- мавзули экспресс-ўрганишда;

➢ фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллашда;

➢ акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни маркалашда;

➢ солиқ мониторингинда.

Видеотасвирга олиш солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) назорат тадбирини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи асосида амалга оширилади. Солиқ тўловчилар солиқ органининг назорат тадбирини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи билан танишиш ва видеотасвир маълумотларидан нусха олиш ҳуқуқига эга. Бунда улар ўтказиладиган тадбир жараёнини ўзлари видеотасвирга олишлари мумкин.

Видеотасвирга олиш жараёнида солиқ органининг ходимлари ва солиқ тўловчилар (уларнинг вакиллари) ҳамда жалб қилинган мутахассислар, экспертлар, таржимонлар, зарур ҳолларда ҳолис ва харидорлар иштирок этиши мумкин.

Назорат тадбири натижаси бўйича тузилган далолатномада (баённомада, маълумотномада) тадбир жараёнини видеотасвирга олиш мосламаси (қурилманнинг русуми ва серия рақами), видеотасвирга олинган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар акс этирилади.

Видеотасвирга тушириш жараёнида олинган ҳар қандай маълумот солиқ сирини ташкил этади. Маълумотлардан хизматдан ташқари мақсадларда фойдаланиш, хусусан, ижтимоий тармоқларга жойлаштириш мумкин эмас.

**Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 31.03.2020 йилдан кучга киради.**

**Ленара Хикматова,**  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР

## Йирик солиқ тўловчилар мезонига ўзгартириш киритиш режалаштирилмоқда

Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга (АВ томонидан 12.07.2019 йилда 3172-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақидаги қарор лойиҳаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, муҳокама учун ҚХТБТ порталида жойлаштирилган.

Хусусан, куйидагилар таклиф этилмоқда:

➢ **биринчидан**, йирик солиқ тўловчилар тоифасидан тижорат банклари филиалларини чиқариб ташлаш;

➢ **иккинчидан**, йирик солиқ тўловчилар тоифасига ҳозирги кунда соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича 100 миллиард сўмдан юқори бўлган юридик шахслар киради. Кетма-кет келади-

ган 12 ойлик даврда шунча миқдорда тушумга эга корхоналарни ҳам улар жумласига киритиш таклиф қилинмоқда;

➢ **учинчидан**, ДСҚ Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишган ҳолда юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар рўйхатига киритиш ва рўйхатидан чиқаришга ҳақли бўлади. Йирик солиқ тўловчилар

рўйхати эса жорий йилнинг 1 сентябрига қадар Молия вазирлигига тақдим этилади.

**Лойиҳа фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши мумкин.**

norma.uz

УШБУ СОНДА

## • УСТУВОРЛИКЛАР

– Барча хизматлар учун ягона бўлган ЭРИ ишлаб чиқилади

1-бет

## • 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҚИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

– Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати

1-бет

## • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

## • НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР

– Йирик солиқ тўловчилар мезонига ўзгартириш киритиш режалаштирилмоқда

2-бет

## • РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

– «Давлат божи тўғрисида» (Кўчирма)

3-6-бетлар

## • АВТОНОРМА

– Автомобиль эгалари учун янги йиғимлар жорий этилади

7-бет

## • ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

– Ёнгинга қарши кўрик ўтказилиши ҳақидаги билдиришнома фақат қўлга берилади  
– Ҳаво-газ аралашмаси чақнашидан сақланинг!

8-бет





# РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ

## ДАВЛАТ БОЖИ ТЎҒРИСИДА\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган.  
Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган.

(Кўчирма)\*\*

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат божини белгилаш, ундириш, уни қайтариш ва уни тўлашдан овоз қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномаси қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Давлат божи турлари

Давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаққатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаққатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундириладиган мажбурий тўловдир.

Давлат божи турлари жумласига қуйидагилар ҳам кирди:

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари томонидан консуллик ҳаққатларни амалга оширганлик учун тўланадиган консуллик йиғими;

ихтироларга, фойдала моделларга, саноат намуналарига, селекция ютуқларига, товар белгиларига, хизмат кўрсатиш белгиларига, товар келиб чиққан жой номларига, интеграл микрохемалар топологияларига ҳуқуқий муҳофаза бериш билан боғлиқ умумий аҳамиятга молик ҳаққатларни амалга оширганлик учун тўланадиган патент бож.

#### 4-модда. Давлат божини тўловчилар

Ваколатли муассасаларга ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган ва ўзига нисбатан юридик аҳамиятга молик ҳаққат ва (ёки) ҳужжатлар бериш амалга ошириладиган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилардир.

#### 5-модда. Ундириш объектлари

Давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

1) фуқаролик ишлари бўйича судларга бериладиган даъво аризаларидан, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаққатлари (ҳаққатсизлиги) устидан берилган аризалардан (шикоятлардан), алоҳида тартибда юритилмайдиган ишларга доир аризалардан, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвои кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан берилмайдиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидagi шикоятлардан, ҳаққамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги аризалардан, ҳаққамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, ҳаққамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги, ҳаққамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари

бўйича суд ажримлари устидан берилмайдиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидagi шикоятлардан, чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳаққамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризалардан, чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳаққамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан берилмайдиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидagi шикоятлардан, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун;

2) иқтисодий судларга берилмайдиган даъво аризаларидан, ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан, низо предметига нисбатан мустиқил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга киришни ҳақидаги аризалардан, иқтисодий соҳасида ижро этиш ҳақидаги аризалардан, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалардан, иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш ҳақидаги, даъвои кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш ҳақидаги ажримлар устидан берилмайдиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, ҳаққамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги аризалардан, ҳаққамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар бўйича иқтисодий суд ажримлари устидан берилмайдиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, чет давлат судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризалардан, чет давлат судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишлар бўйича суд ажримлари устидан берилмайдиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, шунингдек иқтисодий судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун;

3) маъмурий судларга берилмайдиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги аризалардан, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаққатлари (ҳаққатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги, сайлов комиссияларининг ҳаққатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги, нотариал ҳаққатини содир этишни, фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ёзувларини қайд этишни рад этганлик юзасидан низолашиш ёхуд нотариуснинг ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи мансабдор шахсининг ҳаққатлари (ҳаққатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товланганлик устидан берилмайдиган шикоятлардан, маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвои кўрмасдан қолдириш ҳақидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан берилмайдиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, шунингдек маъмурий судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун;

\*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) расман эълон қилинган ва 7.01.2020 йилдан кўчга кирди.

\*\*Ушбу Қонун «Норма маслаҳатчи»да кўчирмада берилмоқда. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида таншиши мумкин.



4) нотариуслар ва Ўзбекистон Республикасининг консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширилган учун;

5) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик учун, шунингдек фуқароларга фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилганлиги тўғрисида такрорий гувоҳнома берганлик учун ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувига узғартишлар, қўшимчалар, тузатишлар киритилган ва унинг қайта тикланиши муносабати билан гувоҳнома берганлик учун;

6) Ўзбекистон Республикаси Фуқаросининг биометрик паспортини, шу жумладан чет элга чиқиш учун, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсининг биометрик йўл ҳужжати берилганлиги учун, чет элдан Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини бевури ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасига тақлиф қилиш тўғрисида ҳужжатларни берганлик учун, яшаш гувоҳномасини берганлик ёки унинг мuddатини узайтирганлик учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисида бериладиган аризалардан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик, турган жойи бўйича ҳисобга олганлик учун, шунингдек чет давлатлар фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик учун;

7) юридик шахсларни ва яқна тартибдаги тadbиркорларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун;

8) ов қилиш ҳуқуқига доир рухсатнома берганлик учун;

9) ихтиролар, фойдала моделлар, саннат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари, интеграл микросхемалар топологиялари, электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун;

10) чет эллик юридик шахслардан қўргазма юкларини расмийлаштирилганлик, чет эллик юридик шахсларга боқижона оқ декларацияси бланкларини реализация қилганлик учун;

11) халқроқ жамоат ташкилотларини рўйхатга олганлик, нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан диний ташкилотлар, халқроқ ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари ҳодимларини, шунингдек уларнинг қаромғида бўлган оила аъзоларини акредитация қилганлик, махсус рўйхатга олиниши керак бўлган мол-мулкни бошқа шахсга бериш шартномаларини тасдиқлаганлик, баҳолалиши лозим бўлган бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллик фуқаролари билан никоҳларини, шунингдек чет эллик фуқароларнинг ўзаро никоҳларини рўйхатдан ўтказганлик, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллик фуқаролар билан ҳамда белгиланган тартибда бедарак йўқолган ёки ағрий заифлик ёки рухий касаллик туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар билан ёки жинояти учун камдада уч йил мuddатга озодлиқдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳини бекор қилишни рўйхатдан ўтказганлик учун;

12) чет эллик фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кириш ёки кириш-чиқиш визаларини берганлик ва уларнинг амал қилиш мuddатини узайтирилганлик, чет эллик фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик чиқиш-кириш визаларини расмийлаштирилганлик, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни кириш визасининг амал қилиш мuddати даврига вақтинчалик рўйхатдан ўтказганлик ва визанинг амал қилиш мuddати узайтирилган даврда вақтинчалик рўйхатдан ўтказишни узайтирилганлик учун, МДҲга аъзо давлатлар фуқароларини, шунингдек фуқаролик ҳақида белгилари бўлмаган бошқа СССР паспортлари билан МДҲга аъзо давлатлардан келган шахсларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказганлик, чет эллик фуқаронинг, шу жумладан МДҲга аъзо давлатлар фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахсининг Ўзбекистон Республикасидоимий яшашга оид ҳужжатларини кўриб чиққанлик ва расмийлаштирилганлик, чет эллик фуқарога ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг йўқолганлиги ҳақидаги маълумотномани берганлик учун;

13) чет эл тижорат ташкилотлари ваколатхоналарини акредитация қилганлик учун;

14) фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга доир лицензиялар ва рухсатномалар берганлик учун.

**6-модда. Давлат божи ставкаларининг миқдорлари**

Давлат божи ставкаларининг миқдорларини ушбу Қонун иловасига\*\* мувофиқ белгилади.

**2-БОБ. ДАВЛАТ БОЖИНИ ТўЛАШДАН ОЗОД ҚИЛИШ**

**7-модда. Давлат божини тўлашдан озод қилиш**

Давлат божини тўлашдан озод қилинадиган жимсионий ва юридик шахсларнинг қатъий рўйхати ушбу Қонун билан белгиланади.

2020 йил 1 январга қадар қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган давлат божини тўлашдан озод қилиш ушбу ҳужжатларнинг амал қилиш мuddати тугагунига қадар қучда қолади.

**8-модда. Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш**

Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан қўйидагилар озод қилинади:

1) даъвогарлар – иш ҳақини ундириш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

2) даъвогарлар – алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

3) даъвогарлар – меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек бокучиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

4) даъвогарлар – қонунга хилоф равишда ҳукм этганлик, жимсионий жавобгарликка тортилганлик, маъмурий жазо берганлик туфайли жимсионий шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

5) даъвогарлар – жимноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

6) юридик ва жимсионий шахслар – алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;

7) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофиза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини сураб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жимсионий шахслар;

8) юридик ва жимсионий шахслар – давлат ихрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан;

9) тadbиркорлик субъектлари тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

10) истеъмолчилар – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан;

11) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари – истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини қўзлаб бериладиган даъволар юзасидан;

12) даъвогарлар – ўрмон дарактларини ўзбошимчалик билан кешиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни қўриқлаш ва муҳофиза қилишнининг тартиб ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондида етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

13) давлат органлари – ўзбошимчалик билан қўрилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан, шунингдек жимсионий шахсларга тегишли бўлган, тарихий, илмий, бадий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган мол-мулкни жимсионий шахслар бу мол-мулкка ҳужасизларча муносабатда бўлган ҳолларда жимсионий шахслардан давлат мулкига олиб қўиш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

14) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саннат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – палата аъзоларининг манфаатларини қўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қилинган шикоятлар юзасидан;

15) нодавлат нотижорат ташкилотлари – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузётган давлат органларининг гайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

16) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини қўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

17) ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг мувоассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш қорхоналари ва бирлашмалари – барча даъволар юзасидан;

18) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридоги бюджетдан ташқари Пенсия жағмарасининг ҳудудий бўлинулари – пенсионерлардан (нафақа олувчилардан) ортиқча (ноконуний) тўланган пенсияларнинг ва нафақаларнинг суммаларини ундириш билан боғлиқ даъволар юзасидан;



19) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари – кўчиш жойига бормagan ёки кўчиб бормagan жойларини ўзбошимчилик билан тарх этган кўчириб келирилувчиларга нисбатан кўчиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида тақдим этилган даъволар юзасидан;

20) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари – атроф-муҳитни ифлослантиривчилик, табиатдан ўзбошимчилик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга etkazилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

21) Ўзбекистон Республикаси Сув ҳужайраси вазирилик ва унинг жойлардаги органлари – сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик туфайли давлатга etkazилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

22) сугурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органи – мажбурий сугурта операциялари билан боғлиқ ишлар юзасидан;

23) давлат солиқ қизмати органлари, молия ва божхона органлари – барча ишлар ҳамда ҳужжатлар юзасидан, шунингдек алоҳида юри-тиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;

24) ички ишлар органлари – алиментлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлавётган шахсларни қидириш учун қилинган харажатларини ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

25) прокуратура органлари – давлатнинг, юридик ва jisмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

26) адлия органлари – давлатнинг, юридик ва jisмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

27) ундирувчи ёки давлат ижросиси – қонунда назарда тутилган тақдирда, қардорни ёки унинг мол-мулкни қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қардор томонидан қоплаш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

28) Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалғоистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши – фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини бузгандан давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳўқуқий фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларнинг қарорлари, харажатлари (харакатсизлиги) устидан фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан;

29) Ўзбекистон Республикасининг Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар қўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар юзасидан;

30) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар қўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар юзасидан;

31) Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар қўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар юзасидан;

32) мулкдорлар – хусусий мулк ҳўқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳўқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг харажатлари (харакатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;

33) якка тартибдаги қўрувчи билан шартномага қўра қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурилиши чоғида зиммасига биуртмачи вазифининг бажариш қонун ҳужжатларига мувофиқ юклатилган юридик шахс – қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш масалалари юзасидан якка тартибдаги уй-жой қўрувчилар билан низоларни ҳал қилиш тўғрисидаги даъволар бўйича;

34) қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ қайси тижорат банкларининг зиммасига юклатилган бўлса, ўша тижорат банклари – қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган имтиёзли ипотека кредитлари юзасидан қарз олувчиларнинг кредиторлик қарзларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

35) чет эл инвестициялари иштирокдаги акциядорлик жамиятлари – уларнинг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан;

36) тадбиркорлик субъектлари – ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганда;

37) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, унинг жойлардаги органлари – ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича;

38) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари – моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

39) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агротасноот мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг жойлардаги органлари – қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик бўйича давлатнинг, юридик ва jisмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

40) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил – тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан.

Ушбу модда биринчи қисмининг 8-10, 14, 32-36-бандларида қўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади.

## 9-модда. Иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш

Иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) даъвогарлар – ўрмон дарaxтларини ўзбошимчилик билан ке-шиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни қўриқлаш ва муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондида etkazилган зарарни ундириш тўғрисидаги, ўрмон ҳўжалиги даромади суммаларини (шу жумладан, ўрмон дарaxтларини ўсиб турган жойида сотиш қондаларини бузганлик учун зарар ва неустойлик, шунингдек ўзбошимчилик билан ўрмон дарaxтларини кестанлик, пичан ўрганлик ва молларни ўтлатганлик учун жарималарни) ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;

2) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан;

3) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалғоистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича;

4) ноғиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бirlашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш қорхоналари ва бирлашмалари – барча даъволар бўйича;

5) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлиналари – «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга кетган маблағларни ташкилотлардан ундириб олиш бўйича даъволар, шу жумладан регресс даъволар юзасидан;

6) сугурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органи – мажбурий сугурта операциялари билан боғлиқ барча ишлар бўйича;

7) Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилик ва унинг жойлардаги органлари – сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик туфайли давлатга etkazилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

8) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари – атроф-муҳитни ифлослантиривчилик, табиатдан ўзбошимчилик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга etkazилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;

9) Ўзбекистон Республикасининг Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар қўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича;



- 10) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатлариغا мувофиқ судларга бериладиган даъволар бўйича;
- 11) Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари – ўз зиммасига юклатилган ваколатлариغا мувофиқ судлар қўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича;
- 12) давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари – барча ишлар ҳамда ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;
- 13) прокуратура органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб килинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;
- 14) адлия органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб килинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;
- 15) ундирувчи ёки давлат ижросида – қонунда назарда тутилган тақдирда, қардорни ёки унинг мол-мулкни қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қардор томонидан қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;
- 16) халқаро ва чет эл ҳуқуқат молия ташкилотлари томонидан ҳуқуматларга келишувлар асосида берилган кредитлар бўйича асосий қардор сифатида қатнашуви давлат органлари ва ташкилотлари – субзаём олувчилардан пайдо бўлган қардорликларни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;
- 17) давлат ахтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича сотиб олгани хисобланган давлат органлари ва ташкилотлари – етказиб берувчилар (пудратчилар) томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги билан боғлиқ даъволар юзасидан;
- 18) Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши – фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб килинган даъволар юзасидан;
- 19) аризачи ва жавобгар – ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- 20) чет эл инвестициялари иштирокидаги акциядорлик жамиятлари – уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан;
- 21) тадбиркорлик субъектлари – ҳақамлик судининг хал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганда;
- 22) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, унинг жойлардаги органлари – ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича;
- 23) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурдаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари – моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни кўзлаб килинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;
- 24) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Агротехно мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг жойлардаги органлари – қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик бўйича давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб килинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;
- 25) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил – тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб бериладиган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан.
- Ушбу модда биринчи қисмининг 2, 20 ва 21-бандларида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўғрисида қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади.
- 10-модда. Маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш**
- Маъмурий судларда давлат божини тўлашдан қуйдагилар озод қилинади:
- 1) тадбиркорлик субъектлари – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – давлат бошқаруви органларининг, маъму-

- рий-ҳуқуқий фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб берилган аризалар бўйича;
- 3) нодавлат нотижорат ташкилотлари – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органларининг гайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;
- 4) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар – фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;
- 5) ноиронлиги бўлган шахсларнинг қаноатлантириш бўлмашлари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш қорхоналари ва бинолашмалари – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг гайриқонуний қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;
- 6) давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари – барча ишлар ҳамда ҳужжатлар бўйича;
- 7) прокуратура органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бериладиган аризалар юзасидан;
- 8) адлия органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бериладиган аризалар юзасидан;
- 9) юридик ва жисмоний шахслар – давлат ижросининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бериладиган аризалар (шикоятлар) бўйича;
- 10) Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари – фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб бериладиган аризалар (шикоятлар) юзасидан;
- 11) мулкдорлар – хусусий мулк ҳўқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;
- 12) чет эл инвестициялари иштирокидаги акциядорлик жамиятлари – уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар (шикоятлар) юзасидан;
- 13) тарафлар – муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш ҳақидаги ишлар юзасидан;
- 14) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурдаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари – моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга доир ишлар юзасидан;
- 15) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил – тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб берилган аризалар (шикоятлар) юзасидан.
- Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 9, 11 ва 12-бандларида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўғрисида қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади.
- 11-модда. Нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан озод этиш**
- Нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан қуйдагилар озод этилади:
- 1) шахслар – давлат пенсиялари ва нафақаларини олиш учун зарур бўлган, шунингдек вассийлик қилиш ва фарзандлик олиш тўғрисидаги ишлар юзасидан ҳужжатларнинг қўчирма нусхалари тўғрисидаги уларга тасдиқлаб берганлик учун;



2) шахслар – мол-мулкни давлат фойдасига, шунингдек юридик шахслар фойдасига ҳада қилиш тўғрисидаги васиятноmaları ва шартномаларни тасдиқлаганлик учун;

3) давлат солиқ хизмати органлари ва молия органлари – уларга давлатнинг меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни (гувоҳномаларнинг дубликатини) берганлик, шунингдек ушбу гувоҳномаларни (гувоҳномаларнинг дубликатини) олиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар учун;

4) ноғиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат биришмалари, уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва биришмалари – барча нотариал ҳаракатлар бўйича;

5) шахслар – уларга қуйидагилар учун меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун:

Ватани ҳимоя қилиш чоғида, бошқа давлат ёки жамоат вази-фаларини бажараётганлиги муносабати билан ёхуд инсон ҳаётини қутқариш, давлат мулкни ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш бўйича фуқаролик бурчини адо этиш муносабати билан ҳалок бўлган шахсларнинг мол-мулк учун;

уй-жой (квартира) учун ёки уй-жой-қурилиш кооперативдаги пай учун, агар улар мерос қолдирувчининг вафот этиш кунига бира яшаган, турар жойда қайд этилган бўлса ва мерос қолдирувчининг вафотидан кейин ҳам шу уй-жойда (квартирада) яшаётган бўлса;

банклардаги омонатлар, шахсий ва мулкий сурғура шартномалари бўйича сурғура суммалари, давлат заём облигациялари учун, иш ҳақи суммалари учун;

илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноят намунаси, интеграл микросхемалар топо-логияси муаллифининг мулкӣ ҳуқуқлари, шунингдек ижрочининг ижрога доир мулкӣ ҳуқуқлари учун;

илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноят намунаси, интеграл микросхемалар топо-логиясини яратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ижрolari яратиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳақи суммалари учун;

6) шахслар – пенсиялар ва нафақалар олиш учун ишончномани тасдиқлаганлик учун;

7) оналар – кўп болалик учун уларга орденлар ва медаллар берилганлиги ҳақидаги ишлар бўйича ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг тўғриллигини тасдиқлаб берганлик учун;

8) мактаб-интернатлар – фарзандларининг мактаб-интернатдаги таъминоти учун ота-оналардан қарзларни ундириш тўғрисидаги ижро ёзувларини амалга оширганлик учун;

9) молия органлари – фарзандларининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ихтисослаштирилган мактабларидаги таъминоти учун ота-оналардан қарзларни ундириш тўғрисидаги ижро ёзувларини амалга оширганлик учун;

10) ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этиш ва ҳалок бўлиш ҳодисасига қорхоналар ва ташкилотлар ҳисобидан сурғура қилинган жисмоний шахсларнинг меросхўрлари – сурғура пулига ворислик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома берганлик учун;

11) сурункали руҳий касалликка қалинган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда васийлик белгиланган шахслар – мол-мулкка ворислик қилишлари тўғрисида гувоҳнома олганликлари учун;

12) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари – ходимлари ташкили йисинда ишга қабул қилиш тартибидега тузиладиган меҳнат шартномаларини тасдиқлаганлик учун;

13) 1941–1945 йиллардаги уруш ноғиронлари, 1941–1945 йиллардаги уруш фронтларида яралган шахслар ва 1941–1945 йиллардаги уруш фронтларида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган шахсларнинг оила аъзолари, 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ҳамда Ватанини ҳимоя қилишда ва Совет Армиясида ўз хизмат бурчини ўтаб-ганда яралган шахслар, Афғонистон Республикасида байналмилал бурчини ўтаган шахслар, шунингдек 1986–1987 йилларда Чернобыль АЭСининг захарланган минтақаси доирасида авария оқибатларини туғатишда иштирок этган шахслар, 1986 йилда Чернобыль АЭСидаги авария муносабати билан захарланган минтақадан кўчирилган (шу жумладан, ўз ихтиёри билан чиқиб кетган) шахслар, агар улар вафот этган бўлса, уларнинг оила аъзолари – имтиёзлар берилиши учун зарур бўлган ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг тўғриллигини тасдиқлаганлик учун;

14) шахслар – уларга йўловчиларнинг мажбурий сурғутаси юзасидан сурғура суммаларида ҳамда фуқароларга қаршили мол-мулкнинг мажбурий сурғутаси юзасидан сурғура товони суммалари бўйича меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

15) фермер ҳўжалигида фаолиятини давом эттираётган меросхўрлар – уларга фермер ҳўжалигининг мол-мулкӣ бўйича меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

16) юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон ҳўжалигида фаолиятини давом эттираётган меросхўрлар – уларга деҳқон ҳўжалиги мол-мулкӣ бўйича меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

17) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари – мажбурий бадалларни тўлаш ва коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги ижро ёзувларини амалга оширганлик учун.

## 12-модда. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда давлат божини тўлашдан озод қилиш

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда давлат божи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) халқ таълими органлари, воғега етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссиялар – етим болалари ва ота-оналар қаромидан маҳрум бўлган болаларни болалар муассасалари ва ўқув юртларига юбориш учун тузилганлик тўғрисида такрорий гувоҳнома-лар берганлик учун;

2) жисмоний шахслар – туғилиш, ўлим қайд этилганлиги учун, уларга фарзандликка олинган, оталик белгиланган, жинси ўзгаририлган ҳолларида, шунингдек фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш чоғида йўл қўйилган хатолар муносабати билан тузилганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ёзувлари ўзгаририлган, тўлдирилган ва тузатилган тақдирда гувоҳномалар берганлик учун;

3) жисмоний шахслар – уларга белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки айқал заифлиги) сабабли муомаллага лаёқатсиз деб топилган шахслар ёхуд қилган жиноятлари учун уқ йилдан кам бўлмаган муддатта озод-ликдан маҳрум этишга ҳўқи қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори асосида гувоҳномалар берганлик учун;

4) жисмоний шахслар – уларга реабилитация қилинган қариндош-ларининг вафот этганлиги тўғрисидаги такрорий гувоҳномалар берган-лик ёки илгари берилган гувоҳномаларни алмаштирилганлик учун;

5) табиий офатлар натижасида жабрланган жисмоний шахслар – уларга такрорий гувоҳномалар берганлик учун.

## 13-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси биометрик паспортини расмийлаштириш ва беришда, шу жумладан хорিজга чиқиш учун давлат божини тўлашдан озод қилиш

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат божини тўлашдан қуйидаги ҳолларда озод қилинади:

1) дипломатик паспорт берганлик учун;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини;

яқин қариндошлари вафот этган ёки улар дафн этилган жойларни зиёрат қилганда;

фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномадаги (битимларга) биноан улар хориз судларига фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан тарафлар, гувоҳлар ва экспертлар сифатида қаҳирилган тақдирда берганлик учун;

3) ўн опти ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси биометрик паспортини берганлик учун;

4) тўлиқ давлат таъминотида бўлган шахслар – Ўзбекистон Рес-публикасининг фуқароси биометрик паспортини берганлик учун.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2 ва 3-бандларида кўрсатилган ҳужжатларга бирон-бир ўзгариштириш киритилган тақдирда ҳам давлат божи тўлашдан озод қилинади.

## 14-модда. Қонсуллик йигимини тўлашдан озод қилиш

Қонсуллик йигимини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) Ўзбекистон Республикасининг қонсуллик йигимларини ундиришда воз кечиш тўғрисидаги халқаро шартномаси мавжуд бўлса, чет эллик фуқаролар;

2) репатриация ишлари бўйича ҳўжатларни расмийлаштириш чоғида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

3) чет эллик фуқаролар чет эл дипломатик паспортларига ўзаролик асосида виза қўйиш чоғида;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнат стаж, ижтимоий таъминот тўғрисидаги ва алиментлар ундириш ҳақидаги ишларга доир ҳўжат-ларнинг сўраб олиш ва легаллаштириш чоғида;

5) чет давлатларнинг белгиланган тартибда аккредитациядан ёки рўйхатдан ўтказилган доимий ваколатхоналари, халқаро ҳўкуматлар-ро ташкилотларнинг ва чет давлатлар ҳўкумат ташкилотларининг ваколатхоналари, халқаро ва хоржий нодавлат нотижор ташкилот-ларининг ваколатхоналари ҳамда филиаллари ҳодимлари (уларнинг оила аъзолари);

6) белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган матбуот вакиллари (уларнинг оила аъзолари);

7) инсонпарварлик ёрдамида кузатиб келувчи чет эллик фуқаролар;

8) ўн опти ёшга тўлмаган болалар;



9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек бюджет ташкилотларининг тақдирга биноан Ўзбекистон Республикасига келувчи чет эллик фуқаролар, агар контракт шартларига қўра виза олиш билан боғлиқ ҳаракатлар қабул қилувчи тарафнинг зиммасига юклатилган бўлса;

10) ушбу Қонуннинг 11, 12 ва 13-моддаларида назарда тутилган ҳолларда.

#### **15-модда. Айрим тоифадаги шахсларни давлат божини тўлашдан озод қилиш**

Турган жойи бўйича қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарилган ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга олинганлик учун давлат божи тўлашдан қўйилганлар озод қилинади:

қариялар ва ногиронларнинг интернет-уйларига яшовчи қариялар ва ногиронлар;

мактаб-интернатлар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва ётоқхоналарда яшовчи ўқувчилари.

Дехқон ҳўжалиқларини, давлат қорхоналари негизига тузилаётган акциядорлик жамиятларини, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида бўлималяри (ваколатхоналари ва филиаллари), шунингдек хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди.

Ушбу Қонунга доир илова 10 ва 11-бандларининг «а» – «г» кичик бандларида, 12, 13 ва 15-бандларининг «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган давлат божини (патент божини) тўлашдан 1941–1945 йиллардаги уруш иштирокчилари ёки уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек ўз номига муҳофаза ҳўжжати талаб этиладиган иктирларнинг, фойдали моделларнинг, саноат намуналарининг, селекция ўтуқларининг, тополюк интеграл микроосмаларининг, электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурларнинг ва маълумотлар базаларининг ягона муаллифлиги бўлган, I гуруҳ ногирони бўлган шахслар.

Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳўкуқи учун давлат божи тўлашдан қўйилганлар озод этилади:

1) I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

2) IV рейтинг гуруҳига киритилган, таълим муассасаларида ўқийдиган ва концерт-томоша фаолиятида иштирок этиш ҳўкуқини биринчи марта олаётган икчорчилар мазкур таълим муассасаларида ўқиш мuddати давомида, лекин концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳўкуқини олган санадан бир йилдан ортик бўлмаган мuddатда давлат божини тўламайди (тегишли тасдиқловчи ҳўжжат мавжуд бўлганда).

Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳўкуқига доир лицензия берганлик учун давлат божини тўловчи пенсионерлар концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳўкуқи учун белгиланган микдорнинг 50 фоизи микдорда давлат божи тўлайди.

#### **3-БОБ. ДАВЛАТ БОЖИ ТўЛОВЛАРИНИ, ТўШУМЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ**

##### **17-модда. Давлат божини тўлаш ва ҳисобга ўтказиш тартиби**

Давлат божи, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат божи ундирилмайдиган юридик аҳамиятта молик ҳаракатлар амалга оширилганига қадар ва (ёки) бунга ваколатли бўлган муассасалар (мансабдор шахслар) томонидан ҳўжжатлар берилганига қадар нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда тўланади.

Тўловчининг давлат божини нақд пулсиз шаклда тўлаганлиги факти қўрадаги ёки электрон шаклдаги тўлов ҳўжжати билан тасдиқланади.

Тўловчининг давлат божини нақд пул шаклида тўлаганлиги факти банк томонидан тўловчи бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгиланган шаклда тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёхуд давлат органи ва ташкилотнинг кассаси томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланади.

Давлат божини тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари амалга оширилаётган юридик аҳамиятта молик ҳаракатларнинг турига, тўловчининг тоифаларига ёки бошқа ҳолатларига қўра ушбу Қонуннинг 19-24-моддаларига мувофиқ белгиланади.

Давлат божи тўлов ҳўжжатлари асосида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади, бундан давлат божининг қайси давлат органлари хизматлари учун давлат божи ундирилаётган бўлса, ўша давлат органи тасарруфида қўлдирилган қисми мустансо.

Давлат божининг бир қисми давлат органи тасарруфида қўлдирилган тақдирда, давлат божи ягона ҳисобварағига кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат органи ўртасида қонун ҳўжжатларига мувофиқ тақсимланган ҳолда тўланади.

Давлат божининг давлат органи тасарруфида қўлдирилмайдиган микдори қонун ҳўжжатларида белгиланади.

Мулкий низо бўйича судга даъво аризаси берилганда, шунингдек мол-мулкнинг олди-соти, ҳадя, айирбошлаш шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда, меросга бўлган ҳўкуқи расмийлаштиришда, агар даъво қиймати, шартнома суммаси ёки мерос микдори чет эл валютасида белгиланса, давлат божининг микдори ҳаракатлар амалга оширилган санада Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада белгиланади ва ундирилади.

##### **18-модда. Давлат божини қайтариш тартиби**

Давлат божи қуйидаги ҳолларда тўлик ёки қисман қайтарилиши керак:

1) давлат божи қонун ҳўжжатларида талаб қилингандан ортиқча микдорда тўланганда;

2) суд даъво аризасини (аризани, шикоятни) қайтарганда ёки қабул қилишни рад этганда, шунингдек давлат нотариал идоралари нотариал ҳаракатлари амалга оширилиш рад этганда;

3) апелляция, кассация ва назорат шикоятни қайтарилганда ёки уни қабул қилиш рад этилганда;

4) давлат божи тўланган даъво аризаси (ариза, шикоят) ёки апелляция, кассация ва назорат шикоятни судга келиб тўшмаганда;

5) агар иш судга таллуқли бўлмаса, ишни юришти тугатилганда;

6) ариза қўрмасдан қўлдирилганда, агар у муомаллага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

7) суднинг ёки ҳакамлик судининг иш юритувида айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет бўлишидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, ариза қўрмасдан қўлдирилганда;

8) агар тарафлар ўртасида низо ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш тўғрисида ҳакамлик битими тузилган бўлса, ариза қўрмасдан қўлдирилганда;

9) агар тарафлар ўртасида медиатив еттилуш тузилган бўлса, ариза қўрмасдан қўлдирилганда;

10) ишда иштирок этган шахс вафот этганида, агар низоли ҳўкуқий муносабат ҳўкуқий ворисликка йўл қўймаса;

11) даъвогар низоли судга қадар ҳал этиш (эътироз билдириш) тартибига риоя этмаганда, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бoй берилган бўлса;

12) волага етмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг никоҳи ўзаро розилик асосида бекор қилинганлигини қайд этиш учун давлат божи тўланганда, агар эр-хотиннинг ярашиши ёки улардан бирининг судга келмаганлиги туфайли никоҳни бекор қилиш амалга оширилмаган бўлса;

13) агар ишда иштирок этмаётган юридик шахс тугатилган бўлса;

14) суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилганда;

15) Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига чет элга чиқиш ҳўкуқи учун ҳўжжат бериш рад этилганда.

Давлат божи суммаларини қайтариш тўловчининг ёзма аризасида биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорлари асосида амалга оширилади. Давлат божи суммасини қайтариш учун аризачи давлат божини ундирган тегишли давлат органига ёки ташкилотга мурожаат қилиши керак. Давлат божини ундирган давлат органи ёки ташкилотнинг раҳбари уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, давлат органи ёки ташкилот ва давлат божининг бошқа олувчилари илгари ўз ҳисобварағига ўтказилган давлат божи суммаларининг тегишли қисмларини тўловчининг ёзма аризаси олинган қундан эътиборан беш кун ичиде ёки суд ҳўжжатлари асосида қайтарса. Уз навабатида давлат органи ёки ташкилот қайтарилиши лозим бўлган, илгари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетте даромадига ўтказилган давлат божи суммасининг бир қисмини қайтариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда хабар юборади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетте даромадига ўтказилган давлат божини қайтариш тўғрисидаги қарор солиқ органи томонидан давлат органи ёки ташкилотнинг тегишли хабарномаси олинган қундан эътиборан ўн кун ичиде қабул қилинади. Давлат божини қайтариш тўғрисида қарор қилган тақдирда солиқ органи давлат божини тўловчига қайтариши амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Ҳазначилигига қайтариш тўғрисида тегишли топшириқюма юборади.

#### **4-БОБ. ДАВЛАТ БОЖИНИ УНДИРИШНИНГ ўЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

##### **19-модда. Судларда давлат божини ундиринишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Судларга бериладиган даъво аризаларидан, алоҳида тартибда юритилидаган ишлар бўйича аризалардан, маъмурий-ҳўкуқий муно-



сabatлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича судларга бериладиган шикоятлардан, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация ва назорат тартибидagi шикоятлардан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини берганлик учун давлат божи қўйидаги тартибда ундирилади:

шартномаларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги, шартномаларни бекор қилиш тўғрисидаги ёки уларнинг шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш шартларидаги давло аризаларига шартнома тўлағиличга ёки унинг бирон-бир қисми низолашлатганлигидан қатъи назар, шартнома олди низолари бўйича аризалар учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади;

қарши даъво аризаларидан, шунингдек учинчи шахсларнинг ишга мустакил даъво талаблари билан қиришганлиги тўғрисидаги аризалардан давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Суд дастлабки даъвогарини унинг розилигига қўра бошқа шахс билан алмаштиришда бу шахс давлат божини умумий асосларда тўлаши керак.

Ишдан дастлабки даъвогар чиқиб кетган ва у ҳуқуқий ворис билан алмаштирилган ҳолларда, давлат божи, агар у дастлабки даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда ҳуқуқий ворисдан ундирилади.

Судья бир ёки бир неча бирлашган даъво талабини алоҳида иш юритиш учун ажратган тақдирда, даъво тақдим этилганда тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди. Алоҳида иш юритувга ажратганлик зосисидан давлат божи иккинчи бор тўланмайди.

Илгари кўрмасдан қолдирилган тақроран берилган аризалар бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади. Агар ариза кўрмасдан қолдирилганлиги муносабати билан давлат божи қайтарилиши керак бўлса-ю, лекин қайтарилмаса, агар давлат божи бюджетга ўтказилган кундан эътиборан фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво мuddати тугамаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат тақроран берилган аризага илова қилиниши мумкин.

Давлат божи ҳисоблаб чиқариладиган даъво баҳоси даъвогар томонидан, белгиланган ҳолларда эса фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ суд томонидан аниқланади.

Агар ишни муҳокамага тайёрлаш кунида даъвогар алиментларни ундириш тўғрисидаги ишни тугатиш ҳақида ариза берган бўлса, бундай ҳолларда жавобгардан давлат божи ундирилмайди.

Даъвогар томонидан даъво талаблари қаматирилган тақдирда, тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

Даъво суммаси кўпайтирилган тақдирда, давлат божининг этишмаётган суммаси даъвогарнинг кўпайтирилган суммасига мувофиқ тўланади.

Даъвогар давлат божини тўлашдан овоз этилган тақдирда даъво қаноатлантирилса, давлат божи жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан овоз этилмаган бўлса) давлат даромадига белгиланган даъво суммасига мувофиқ ундирилади.

Даъво биргаликда бир неча тақдим томонидан бир ёки бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда, давлат божи даъвогарнинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига муносиб тарзда тўланади.

Даъвогарнинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда давлат божи қўйидаги ҳолларда ҳам ундирилади:

даъво даъвогар томонидан бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда;

даъво аризаларини қабул қиладиган судья бир турдаги бир неча талабини бир иш юритувига бирлаштиришда.

Давлат божини тўлашдан овоз этилган бир ёки бир неча даъвогар томонидан бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда давлат божини ундириш суднинг ҳал қилув қарорига биноан ҳар бир жавобгардан белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Агар бундай даъво бир неча даъвогар томонидан бир жавобгарга нисбатан тақдим этилган бўлса, давлат божи жавобгардан умумий белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда бюджетга ундирилади.

Суд бошқа шахсини иккинчи жавобгар сифатида жалб қилган ва даъво суммасининг бир қисмини бир жавобгардан, қолган қисмини эса иккинчидан ундиришга ҳукм қилган тақдирда ва, агар бундай даъвогар давлат божини тўлашдан овоз қилинган бўлса, давлат божи даъвогарнинг қаноатлантирилган умумий суммасидан ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар бир жавобгардан унга белгиланган даъво суммаси миқдorigа мутаносиб равишда бюджетга ундирилади.

Давлат божини тўлашдан овоз қилинган даъвогар ўз талабларини даъво берилганидан кейин улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги туфайли қўллаб-қувватланган ҳолларда давлат божининг суммаси жавобгардан суд ажримига мутаносиб равишда бюджетга ундирилади.

Даъвогар аризада даъво суммасини кўрсатмаган ҳолларда судья даъво аризини қабул қилиш асосида, даъвогарнинг тахминий баҳосидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим бўлган давлат божининг миқдорини дастлабки тарзда белгилади. Агар суд ҳал қилув қарорини чиқарганда даъвогарнинг умумий суммаси оғас, давлат божи даъвогарнинг ошиб кетган суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Бунда аюқда келган фарқ даъвогардан ёки даъво тўлиқ қаноатлантирилган тақдирда – жавобгардан бюджет даромадига ундирилиши лозим. Суд даъвогар аризада кўрсатган талаблар доирасидан қонун ҳужжатларига белгиланган ҳолларда иш ҳолатларига боғлиқ равишда чиқиб кетганда ҳам давлат божи шундай тартибда ҳисоблаб чиқарилади. Бундай ҳолларда даъво қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи жавобгардан даъвогарнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, давлат божининг қолган қисми эса даъвогардан ундирилиши лозим.

Суд мол-мулкни мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган тақдирда, давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда суд томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ҳар бир меросхўрдан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги, мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги, мол-мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқни эътироф этиш тўғрисидаги, умумий мол-мулкдан улуш ажратиш ҳақидаги ва меросхўрларнинг ўзларига тегишли мол-мулк улушини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъво аризалари учун давлат божи ушбу мол-мулк ёки унинг улуши қийматидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида мулклий ва номулкий хусусиятга эга бўлган даъво аризалар учун мулклий хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкалар бўйича ва номулкий хусусиятга эга даъво аризалари учун белгиланган ставкаларга қўра, ҳар бир талаб бўйича алоҳида-алоҳида давлат божи тўланади.

Қиймат жиҳатидан баҳоланмайдиган талаблар (ўзбошимчалик билан ағаллаб олинган жойларни бўшатиш тўғрисидаги, натура шаклида майдон берил ҳақидаги, топшириш балансини қабул қилишга мажбурлаш билан боғлиқ низолар ва бошқалар) номулкий хусусиятга эга даъво аризалари жумласига кирди.

Ниҳоят бекор қилиш билан бир вақтда мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризаларидан ниҳоят бекор қилганлик учун ва мол-мулкни бўлганлик учун давлат божи ундирилади.

Даъво аризини (аризани, шикоятни) қайтаришга асос бўлган шароитлар бартараф этилганда сўнг тақроран бериладиган даъво аризаларига (аризаларга, шикоятларга) давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат давлат божи тақроран тўланишининг олдин оlish учун илова қилиниши мумкин.

Аризада давлат божини тўлашдан овоз қилинган ҳолларда даъво қаноатлантирилган тақдирда давлат божи, агар жавобгар давлат божини тўлашдан овоз қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.

Давлат божи тўлашдан овоз қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини қўзғаб билдирилган талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини қўзғаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Муайян судда қўрилиши лозим бўлган бир неча иш учун бир тўлов топшириқомаси бўйича давлат божи ўтказилган ҳолларда топшириқнома ишларнинг ариза илова қилинади. Мақzur иш бўйича тўланган давлат божининг суммаси тўғрисида қолган ишларга белги қўйидаги ва тўлов топшириқомаси қўшиб қўйилган иш кўрсатилади.

Суд бўйруғи бекор қилинган тақдирда, ундирувчи томонидан тўланган давлат божи қайтарилмайди. Даъво ундирувчи томонидан қардорга нисбатан даъво ишнинг юритиш тартибиде қўзғатилган тақдирда у тўланиши лозим бўлган давлат божи ҳисобига ўтказилади.

Пул маблағлари мавжуд бўлмаган ва бу хизмат қўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига қўра давлат божини кечктириб тўлашга рўхсат берилиши мумкин. Банк тасдиғиде судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана қайд этилган бўлиши керак.

Акциядорлар акциядорлик жамиятининг фаолиятиндан келиб чиқадиган низолар бўйича ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда акциядорларга давлат божини тўлаш мuddати кечктирилиб, бу бож кейинчилик айбдор тарафдан ундириб олинади.

## 20-модда. Нотариал ҳаракатлар бажарилганлиги учун давлат божи ундиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари

Нотариал ҳаракатлар давлат нотариал идоралари томонидан бажарилганлиги учун давлат божи нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда ундирилади, нотариал идоралардаги ишларда мавжуд бўлган



хужжатларнинг дубликатини, хужжатларнинг кўчирма нусхаларини берганлик учун эса улар берилётганда ундирилади.

Давлат божи тўлашдан бир тараф овоз этиладиган битимлар бўйича давлат божини бошқа тараф тўлиқ тўлайди.

Давлат нотариал идораси депозитига қабул қилиш учун пул суммалари почта орқали ёки банкдан келиб тушган ҳолларда давлат божининг тегишли суммалари келиб тушган тўлган ушлаб қолинди, уларнинг қолдиги эса депозитга қабул қилинади. Ушлаб қолинган давлат божи суммалари давлат нотариал идораси томонидан депозит суммалари банкка навбатдаги топшириш чоғида бюджетга ўтказилиб, банк квитанцияси нотариал идора ишларида сақланади.

Давлат нотариал идораси биносидан ташқарида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар учун давлат божи икки баравар миқдорда ундирилади, бундан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биноларида нотариусларнинг сайёр қабуллари чоғида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар, шунингдек овозлиқдан маҳрум қилиш жойларидаги ёки ҳамоқда сақланаётган шахсларнинг ишончномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш мустасно.

Бир неча меросхўр (шу жумладан қонун бўйича, васиятнома бўйича ва меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар) мавжуд бўлган ҳолларда давлат божи ҳар бир меросхўрга тегишли мерос улушидан ҳисоблаб чиқарилади.

Вояга етмаган меросхўрлар (шу жумладан мерос қолдирувчиларнинг болалари бўлмаган меросхўрлар) мавжуд бўлган тақдирда давлат божи фақат вояга етган меросхўрлардан уларнинг меросдаги улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Агар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома меросхўрларнинг аризаси бўйича мерос мол-мулкнинг бир қисмига берилётган бўлса, давлат божи мол-мулкнинг берилётган гувоҳномада кўрсатилган қисми учун белгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Кейинчалик мол-мулкнинг қолган қисмига гувоҳнома берилганда давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан ҳисоблаб чиқарилади, тўлашга эса ҳисоблаб чиқарилган сумма билан биринчи гувоҳнома берилганлиги учун тўланган сумма ўртасидаги фарқ тақдим этилади.

Қонун бўйича бир вақтнинг ўзида бошқа меросхўрлар мавжуд бўлган тақдирда, мерос мол-мулкнинг бир қисми меросхўрларга васиятнома бўйича ўтган ҳолларда давлат божи васиятнома бўйича мол-мулкнинг қисмидан алоҳида ҳисоблаб чиқарилади, қолган мол-мулкнинг қисмидан эса умумий тартибда ҳисоблаб чиқарилади.

Қонун бўйича ва васиятнома бўйича мерос килиб олинаётган мол-мулкдан мероснинг мажбурий улуши ажратилган ҳолларда давлат божи қонунга биноан ворислик ҳуқуқи бўйича ўтаётган бутун мол-мулкнинг қисмидан, шу жумладан мажбурий улуш билан бира ҳисоблаб чиқарилади.

Судларнинг илгари берилган гувоҳномалар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари асосида бериладиган меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги такрорий гувоҳномалар учун давлат божи умумий асосларда ундирилади. Бунда бирламчи гувоҳнома учун тўланган давлат божи суммаси қайтарилиши ёки солиқ тўловчининг аризасига кўра янги гувоҳнома берганлик учун бериладиган сумма ҳисобига, агар суммалар бюджетга ўтказилган кундан эътиборан фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган даъво мuddати тугамаган бўлса, ўтказилиши лозим. Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган ҳар қандай шартнома такоран тасдиқланган тақдирда ҳам масала худди шундай тартибда ҳал қилинади.

Давлат нотариал идораси реестрида такрорий гувоҳномалар ва шартномаларни қайд қилишга тегишли катакчада давлат божи қанча ва қанча суммада ундирилганлиги ҳамда ундириш тўғрисидаги ёзув қаерда борлиги кўрсатилади. Бундан нотариал идора ишларида қоладиган асосий ҳужжатларга суднинг тегишли гувоҳномалар ва шартномаларни ҳақиқий эмас деб топил тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари илова қилиниши керак.

Кредит ташкилотлари томонидан бериладиган сертификатлар ва акредитивлар доир меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Эр-хотиннинг биргаликда ашаганда олинган ва эр-хотиндан бирининг вафотидан кейин қолган мол-мулкка доир меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун давлат божи мерос бўйича ҳақиқатда ўтаётган мол-мулкнинг қисмидан ундирилади.

Давлат божи мутаносиб равишда ундириладиган нотариал ҳаракатлар бажарилганда уни ҳисоблаб чиқариш тарафлар кўрсатган суммадан ушбу моддада белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли уйлар, квартиралар, дала ҳовлилари, гаражлар, бошқа иморатлар, бинолар ва ишоотларни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқланганлик учун давлат божи суммаси уларнинг умумий майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Энг кам ва энг кўп сумма кўрсатилган шартномаларни тасдиқлашда давлат божи энг кўп суммадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади.

Айирбошлаш шартномалари бўйича давлат божи қиймати юқори бўлган мол-мулкдан ҳисоблаб чиқарилади.

Шартларига кўра тўловлар суммасида ижарага олгувчи томонидан куриладиган иморатлар ва бошқа ишоотлар, хоналарни жиҳозлаш қиймати, шунингдек ижарага олгувчи томонидан амалга ошириладиган капитал таъмирлаш ҳамда бошқа шу кабиларнинг қиймати ҳисобга олинмаган мулк ижараси шартномасини тасдиқлашда ҳисоблаб чиқариладиган ва ундириладиган давлат божининг суммаси амалга ошириладиган ҳаражатларнинг қиймати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ижро ёзувлари бўйича ёзувчи амалга оширганлик учун тегишли давлат божи суммасини тўлашдан ундирувчи овоз қилинган тақдирда ёзув бўйича қарз ундирилёётган чоғда қарздордан ундирилади.

## 22-модда. Давлат божини бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан ундиришнинг ўзига ҳок хусусиятлари

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик учун давлат божи далолатномаларни рўйхатда қайд этиш чоғида, такрорий гувоҳномалар берганлик учун эса улар берилётганда тўланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини, шу жумладан хорিজга чиқиш учун паспортни, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсининг йўл ҳужжатини берганлик учун, бу ҳужжатларга ўзгартишлар киритганлик учун, шунингдек чет эллик фуқароларга яшаш гувоҳномасини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини берганлик ёки уларнинг мuddатини ўзайтирганлик учун давлат божи тегишли ҳужжатлар олингунига қадар, фуқаролик масалаларига доир аризалардан эса бундай аризалар берилгунига қадар тўланади.

Хориждан кириш ва хорিজга чиқиш ҳуқуқига доир ҳужжатларни, яшаш гувоҳномасини, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини берганлик ёки уларнинг мuddатини ўзайтирганлик, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан хорিজга хизмат сафарига юборилмаган фуқароларнинг хорিজга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлардан давлат божи белгиланган тартибда ушбу қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тўланади.

Хорижга хизмат сафарига юборилган ҳодимлар билан биргаликда уларнинг хотини ва болалари хизмат сафарининг бутун мuddатига сафарга борганида давлат божи хизмат сафарига юборилганларнинг ўзидан ундирилганлиги каби тартибда ва миқдорларда ундирилади. Оила аъзолари хорিজга хизмат сафарига юборилган шахсининг олди меҳмон бўлиб оддий сафарга борганида давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Чет эллик фуқароларга Ўзбекистон Республикасидан чиқишга визалар берганлик учун давлат божи, ҳар бир шахсга алоҳида виза ёки бир неча шахсга умумий виза берилаётганда қатъий назар, ўн олти ёшга тўлган ҳар бир шахсдан ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини турган жойи бўйича қайд этганлик ва турган жойи бўйича ҳисобга олганлик, ов қилиш ҳуқуқига доир руҳсатнома берганлик учун давлат божи ҳужжат берилаётганда тўланади.

## 24-модда. Фаолиятнинг алоҳида турларини амалга оширишга доир лицензия берилганлиги учун давлат божи ундиришнинг ўзига ҳок хусусиятлари

Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олаётган жисмоний шахслар давлат божини ўзига берилган рейтинг гуруҳига қараб табақалаштирилган миқдорларда тўлайди.

Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олаётган юридик шахслар давлат божини ҳар бир ижрочи учун унга берилган рейтинг гуруҳига қараб табақалаштирилган миқдорларда тўлайди.

## 5-БОБ. ЯКУЛПОВЧИ ҚОЙДАЛАР

### 25-модда. Давлат божининг тўғри ундирилиши устидан назорат

Давлат божининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, бўлиқ ундирилиши ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўз вақтида ўтказилиши устидан назорат «Давлат солиқ мизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

### 31-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,  
2020 йил 6 январь  
УРҚ-600-сон.



# Автомобиль эгалари учун янги йиғимлар жорий этилади

Президентнинг 9.12.2019 йилдаги ПФ-5890-сон Фармони ва ПҚ-4545-сон қарори билан йўл ҳўжалиги бошқаруви тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Хўжатларга мувофиқ 2020 йил 1 январдан биринчидан, янги тартиб жорий этилмоқда, унга мувофиқ:

➤ автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, йўл-қурилиш ишларини техник назорат қилиш учун янгидан бошланган объектлар бўйича шартномалар фақат давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳўжатларига мувофиқ ўтказиладиган танлов (тендер) якунлари бўйича тузилади;

➤ йўл-қурилиш ишлари бўйича консалтинг хизматлари (техник назорат) аутсорсинг шартлари асосида халқаро амалиётга, шу жумладан FIDIC халқаро қурилиш стандартлари қоидаларига мувофиқ мустақил ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин;

➤ Тошкент шаҳри кўчаларини қуриш ва таъмирлаш бўйича буюртмачининг функцияларини синов тарзида Тошкент шаҳар ҳўкимлиги амалга оширади;

➤ республика ҳудудида, шунингдек республика ҳудудига қирадиган оғир ва йирик габаритли автотранспорт воситаларининг вазн ва ҳажм параметрларини назорат қилиш, шунингдек автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланиши учун йиғимлар ундириш ва уларнинг ҳаракатланиши (кириши) учун рухсатномалар бериш Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) томонидан амалга оширилади;

➤ умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида йўл ҳаракатини тартибга солишнинг техник воситалари ва уларнинг конструкциялари, шу жумладан фото- ва видеокайд этиш техник воситалари Кўмита билан келишилган ҳолда ўрнатилди;

➤ автомобиль йўлларидаги қатнов қисмларига узунасига жойлашган муҳандислик коммуникацияларининг янги тармоқларини лойиҳалаштириш ва ётқириш таққиланади, уларнинг автомобиль йўллари билан кўндаланг кесишиши бундан мустасно.

**иккинчидан**, қуйидагилар тўғрисидаги талаблар бекор қилинади:

➤ умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, минтақавий автомобиль йўллари ва кўприкларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни лойиҳалаштириш бўйича ташкилотлар фақат «Йўл лойиҳа бюроси» МЧЖ, «Боштранс-лойиҳа» АЖ ва «Автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни лойиҳалаш институти» ДУК ҳисобланиши;

➤ автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш бўйича буюртмачи фақат «Автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш дирекцияси» УК ҳисобланиши;

➤ умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, минтақавий автомобиль йўллари ва кўприкларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотлари фақат Кўмитанинг таркибий бўлинмалари ва «Кўприққурилиш» Трести УК ҳисобланиши;

➤ нефть битумининг йўлларида мўлжалланган марказларини реализация қилиш соҳасида фаолият олиб бориш ҳўқуқи учун лицензия олиш талаб этилиши.

Йўл бошқаруви тизимида катта ўзгаришлар кутилмоқда. Йўл-қурилиш корхоналари уларни МЧЖ этиб қайта ташкил этган ҳолда Кўмита таркибидан чиқарилмоқда, Кўмитанинг яна 28 та корхонаси негизда «Йўлқурилиш» АЖ ташкил этилмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ «Кўприққурилиш» Трести УК корхоналари негизда «Кўприққурилиш» АЖ ташкил этилади, «Кўприққурилиш» Трести УК ихтиёридаги кўприклар (йўл ўтказгичлар) эса қуйидагилар ихтиёрига ўтказилади:

➤ умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги кўприклар - Кўмита ихтиёрига;

➤ шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларидаги, ҳўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидаги кўприклар - маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари ихтиёрига.

Лойиҳалаш, йўл-қурилиш ишлари ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда эксплуатация ишларини молиялаштириш автомобиль йўлларидаги ривожлантириш мақсадли жамғармаларига топширилди. Улар Молия вазирлиги ҳузурида ва унинг ҳудудий бошқармаларида ташкил этилади.

Яна бир муҳим жиҳати – йўл ҳўжалиги бошқаруви органларининг ҳўқуқ ва ваколатлари қайта



дат – 1.09.2020 йилгача), республика автомобиль йўлларидаги ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш (1.03.2020 йилгача), автомобиль йўллари, шу жумладан кўприклар давлат кадастри геоахборот тизими яратилиши (1.12.2022 йилгача), пулли автомобиль сақлаш жойларини ташкил этиш (1.02.2020 йилгача), йўл бўйи сервис объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш (1.01.2020 йилгача) ва бошқалар шулар жумласидандир.

**Эътибор беринг!** Ҳудудий ва маҳаллий ваколатли ва ижроия органларига ҳам қўшимча ваколатлар берилган. Хусусан:

а) кенг жамоатчилик муҳокамалари асосида, муайян маъмурий-ҳудудий бирлик аҳолиси даромадлари даражасини ҳисобга олган ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда:

➤ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари **автомобилга ёнилғи ва газ қўйиш станциялари томонидан автомобиль бензини, дизель ёқилғиси, суюлтирилган ва сиқилган газни охириги истеъмолчиларга реализация қилишда ёқилғи бирлиги учун 25 сўмдан ортқ бўлмаган миқдорда махсус йиғим жорий этишга ҳақли;**

➤ туманлар (шаҳарлар) халқ депутатлари Кенгашлари **транспорт воситаси двигателининг қувватидан келиб чиқиб, автотранспорт воситасига эгалик қилиш учун йиллик йиғим жорий этишга ҳақли;**

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари:

➤ **автомобиль йўллари ва кўчалар бўйлаб автомобиль сақлаш жойларидан фойдаланганлик учун тўлов белгилашга ҳақли;**

➤ **транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш учун йиғимнинг базавий ставкалари миқдорларини, шунингдек йиғимнинг базавий ставкасига транспорт воситаси двигатели қувватидан келиб чиққан ҳолда тоифаланадиган қўшимча коэффицентларни белгилайди.**

қўриб чиқилди. Кўмитанинг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган вазифаларига қўшимча равишда бир қатор янги вазифалар киритилди. Масалан, энди умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ажратилган минтақаларида жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш, шунингдек ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо, сервис объектлари, тадбиркорлик фаолияти учун бошқа объектларни жойлаштириш ва қуриш учун ушбу идорадан рухсат олинади.

Кенг кўламли норма ижодкорлиги ва амалий ишларни амалга ошириш керак. 2030 йилгача автомобиль йўлларида ривожлантириш стратегияси (муд-

2020–2022 йилларда Қамчиқ ва Тахтақорача доволарида янги пуллик тоннеллар ва Сирдарё-Бахт шаҳарларини айланиб ўтувчи, шунингдек Тошкент-Самарқанд ва Тошкент-Андижон пуллик автомобиль йўллари қуриш режалаштирилмоқда. Ишлар тасдиқланган «Йўл харитаси» доирасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида олиб борилади.

Хўжатлар Қонун ҳўжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 10.12.2019 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Реклама ва эълон

## «Жавоб берамиз» инфокиоскига ҳўш келибсиз

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳўқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни [gotma.uz](http://gotma.uz) сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскидан топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

✓ аввал [gotma.uz](http://gotma.uz) сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишда жўнатган ҳолда;

✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Талымаржон кўчи, 1/1. Тел. (71) 200-00-90.  
E-mail: [office@norma.uz](mailto:office@norma.uz), [www.norma.uz](http://www.norma.uz)



## ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР


## Ёнгинга қарши кўрик ўтказилиши ҳақидаги билдиришнома фақат қўлга берилади

Фавқулдда вазиятлар вазирининг буйруғи (АВ томонидан 3.12.2019 йилда 2532-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни ёнгин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга тузатишлар киритилди.

Биринчидан, тадбиркорлик субъектларига ёнгин-профилактика кўригини ўтказиш санаси ҳақида маълум қилиш мuddати бир ойдан бир ҳафтагача қисқартирилди. Бундан ташқари, энди тадбиркорлар ўтказиладиган кўрик ҳақида уларга тилхат билан топшириладиган билдиришнома орқали хабар топадилар. Ҳозирги кунда бундай билдиришномани давлат ёнгин назорати органлари буюртма хат билан почта орқали юборишга ҳам ҳақли.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш зарурати билан кўригини ўтказиш мuddатини кечиктириш имкониятини олиш тартиби соддалаштирилди. Ёнгин хавфсизлиги ходими ташрифни қолдириш учун тадбиркорлар ҳозиргидек 10 кун олдин эмас, балки у ўтказиладиган кунга қадар ариза юборишлари мумкин.

Учинчидан, оммавий тадбирлар муносабати билан қўшимча равишда ёнгин-профилактика кўриги ўтказиш тартибига тузатишлар киритилди. Чунончи, ўзгартиришлар кучга киргандан кейин нафақат умумхалқ, балки диний байрамларни ўтказиш объектларида (шу жумладан 150 метр радиусида жойлашган



объектларда) ҳам кўрик ўтказилади. Мавсум бошланшидан олдин болалар ёзги дам олиш оромгоҳларида ҳам қўшимча равишда кўрик ўтказилади.

Тўртинчидан, Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган, ёнгин хавфлигига кўра биринчи ва иккинчи гуруҳларга кирадиган объектлар рўйхатларига ўзгартиришлар киритилди. Биринчи гуруҳга доимий тарзда 100 нафар ва ундан кўп кишилар жойлашишига мўлжалланган даволаш ва соғломлаштириш муассасалари кўшилди. Иккинчи гуруҳда 50 нафардан 100 нафаргача кишилар жойлашишига мўлжалланганлари қолади. Ҳозир 50 нафар ва ундан кўп кишилар жойлашишига мўлжалланган даволаш ва соғломлаштириш объектлари ёнгин хавфлигига кўра иккинчи гуруҳга киради. Деҳқон (озик-ов-

қат), ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари (савдо комплекслари) иккинчи гуруҳдан биринчи гуруҳга ўтказилди. Эслатиб ўтамиз, биринчи гуруҳ объектлари йилда 1 марта, иккинчи гуруҳ объектлари – 2 йилда 1 марта кўриқдан ўтказилади.

Бешинчидан, кўриқни режалаштириш ва ўтказиш механизмига тузатиш киритилди. Инспекторлар ўзларига бириктирилган ҳудудда жойлашган объектларнинг ёнгин хавфлигига кўра гуруҳларга бўлинган рўйхатини шакллантирадидилар ва ўзининг кўриқларнинг ойлик иш режа-жадвалига киритадилар.

Бундан ташқари, текширувлар ва кўриқлар нисбати белгиланди. 2020 йил 1 мартдан бошлаб ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилишни текшириш (Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида уларни рўйхатга олиш йўли билан бизнес-омбудсманни хабардор қилган ҳолда – тахр. изоҳи) жорий этилади. Уларнинг даврийлиги ҳам объектнинг ёнгин хавфлигига гуруҳга боғлиқ: 1-гуруҳ учун – йилда 1 марта, 2-гуруҳ учун – 2 йилда 1 марта, 3-гуруҳ учун – 3 йилда 1 марта. Тадбиркорларнинг бундай текширувдан ўтказилган объектлари бир йил давомида кўриқдан ўтказилмайди.

Шунингдек, кўрик объектдан ёки унинг бир қисмидан келишув (шартнома) асосида бошқа тадбиркорлик субъекти фойдаланаётган ҳолда ҳам ўтказилиши аниқлаштирилди.

Кўриқни ўтказиш жараёнида текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилмайди. Кўрик натижалари бўйича аниқланган талабларнинг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича тавсиянома тузилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 3.12.2019 йилда эълон қилинган ва 4.03.2020 йилдан кучга киради.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

## Ҳаво-газ аралашмаси чақнашидан сақланинг!

Газ оқимининг тўсатдан (авариявий) узилиши ва қайта уланиши натижасида хона ичида газ тўпланиши, ёниб турган газ анжомларини қаровсиз қолдириш, иситиш асбоб-анжомларига газни улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, газ қувурларига ўзбошимчалик билан уланиш оқибатида ҳаво-газ аралашмасининг портлаши ҳамда ёнгин содир бўлиши мумкин.

Шунингдек, аҳоли томонидан хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган қўлбола, ностандарт газ жиҳозларидан фойдаланиш, газ тармоқларига резина шланг орқали уланиш, носоз ҳолатдаги дудбуронлардан фойдаланиш ҳамда иситиш мақсадида хонадан ичида очиқ оловдан фойдаланиш ҳолатларининг учраб туриши фуқароларнинг ис газидан заҳарланишига ҳамда ҳаво-газ аралашмасининг чақнаши натижасида жабрланиши, ҳаттоки ҳалок бўлишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан газдан фойдаланишда истемолчиларга нималар тақиқланишини ёдга соламиз:

- ўзбошимчалик билан уйни газлаштириш, газ асбоби ўрнини алмаштириш ёки таъмирлаш;
- газ асбоблари ўрнатилган хоналар режасини ўзгартириш;
- газ асбоблари конструкция-

сини, дудбурон ва шамоллатиш тизимларини ўзгартириш;

- шамоллатиш каналларини тўсиб қўйиш, дудбуронларни тозалаш «чўнтақлари» ва дарчаларини беркитиб ташлаш;

- хавфсизлик ва созлаш автоматикасини узиб қўйиш қатъиян тақиқланади.

Газ ҳидини сезгандан зудлик билан кўйиндаги ҳаракатларни бажаринг:

- газ плиталари ва иситиш печларини газ тармоғидан ўчиринг;
- дарров эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатинг;
- хонада электр жиҳозларини ёқманг, ёқиқ бўлса ўчирманг, чунки бу ёнгин ёки газ-ҳаво аралашмасининг чақнашига олиб келиши мумкин;
- газ чиқаётган жойни аниқлаш учун очиқ оловдан эмас, совун кўпигидан фойдаланинг.



ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИ

Ёнгин ёки заҳарланишлар содир бўлганда қуйидаги шошилинч телефон рақамларига кўнгиноқ қилиб ёрдам сўранг:

1. 101 – ёнгин хавфсизлиги хизмати;
2. 104 – газ авария диспетчерлик хизмати;
3. 103 – тез тиббий ёрдам хизмати;
4. 1050 – қутқарув хизмати.

## Даянчи статистика

Фавқулдда вазиятлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 11 ойи давомида Ўзбекистонда 10 520 та ёнгин ҳолати содир бўлган бўлиб, уларда 98 нафар киши ҳалок бўлди, 255 нафар киши куйиш жароҳатини олди. Ёнгинларини ундан бир қисмига очиқ олов билан эҳтиётсиз муомалада бўлиш (37,5 фоиз), электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш (30 фоиз), иситиш печаларининг носозлиги (13,1 фоиз) ва болаларнинг шўхлиги (9,7 фоиз) сабаб бўлмоқда.

Мухаммад Норбоев,

Ўз МТРК ФВБ профилактика ёнгин назорати бўйича мутахассиси.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИКЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –  
Бош муҳаррир  
Ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Тахририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: sbx@norma.uz,  
gazeta@norma.uz,  
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари  
бўйича (71) 200-00-30;  
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
Рекламани жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терғилди ва саҳифаланди.  
Нашр кўрсаткичи – 186. Ҳар саҳифага – А3. Ҳажми – 2 босма таъбиқ. Басмага навиштирилган нарҳда.  
Буюртма F-122. Алдди 640. Газета 2020 йил 13 январь соат 15.00 да топширилди.